муқтасиб ақлини ўрганишга йўллайди. Муқтасиб ақлининг тақомиллашиб боришини, табиий ақл ҳам муқтасиб ақлсиз ривожланиши мумкин эмаслигини таъкидлар экан, Кайковус таълим-тарбиянинг аҳамиятига катта эътибор бериб, инсоннинг камолга эришишида ақлий шакллантириш ролясини илгари суради.

Кайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ақлий ва мантикий фикрлаш қобилиятини меҳнат фойдага асосида ҳаётга тайёрлашда, уларни ҳар томонлама камолга етказишда, назарияни амалий фаолиятга таъбиқ этиш борасида кимматбаҳо фикрлар баён этган. Шу босидан бўлса керак, унинг педагогик қарашлари ханузгача қимматли.

Қомусий билимлар соҳиб, буюк мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тарих, тил билимлари мусика, ҳаттотлик, тасвирий санъат, меъморилик ва бошқаларни ривожлантириш билан бирга, таълим-тарбияни тақомиллаштиришга ҳам катта эътибор берган эди. А.Навоий ўзи барпо этган «Ихлосия» мадрасасида ўз замонасининг етуқ мударрисларини йиғди ва илм излаган ўқувчи-ҳар турдаги мадрасада илм пешволаридан таҳсил олдилар.

Навоий ҳар бир ёшнинг ақлий камолотга етишида илму фаннинг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш билан бирга, ҷамият тараққиётининг асоси саналган илм аҳли, илмини тарқатувчи олимۇ фозилларни ҳурмат қилишга ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш масалаларига ҳам эътиборни қаратади. А.Навоий боғаларни ҳар томонлама камолга етказишда ва уларга мантикий, маънавий тарбия беришда ота-онанинг ҳам ўрни катта эканлигини айтиб, ўзининг «Ҳайрат-ул-аброр» асарида шундай дейди: Бошни фидо айла ато қошига, ҷисмни қил сатга ано бошига.

А.Навоийнинг қарашлари қомил инсон ақлий, ахлоқий, илм маърифатга интилган ижодкор, қобилиятли, билимдон, ақли ва доно киши, софдил, инсонпарвар, саховатли, сабр-қаноатга эга бўлган адолатли, мурувватли, қамтар, соғлом ва ҷисмонан бақувват, мард ва ҷасур шахсни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзининг давримиз учун А.Навоийнинг инсон камолоти ҳақидаги фикрлари улғў ҳазинадир.¹⁰

А.Фитрат ҳам ота-онанинг вазифаси ўз боғаларини етуқ қилишлар бўлиб етишишида тарбиянинг қуйидаги учта турига эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди:

1. Ҷисмоний тарбия, саломатлик;
2. Ақлий тарбия, соғлом фикрлилик;
3. Ахлоқий тарбия, ахлоқий поклик.

Унинг айтишича, фикр ва ақл инсонни камолотга етказди ва уни ўқиб, ўраниш қобилиятини тақомиллаштириб, уни саодатманд қилади. Алломанинг фикрлари ханузгача боғаларнинг ақлий ва мантикий фикрлаш қобилиятини таъкил этиш тизими асосларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

1913 ва 1917 йилда қайта иккинчи марта нашр қилинган Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» асари XX аср бошидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга моликдир. Асарнинг “Яхши хулқлар” бўбнинг биринчи қисми “Сатанат” аталиб Авлоний сатанатни «Ақл эгаси бўлиб лемақдир» деб таърифлайди, Айни замонда Фирдавсий, Носир Ҳисрав, Рудакий, Саъдий, Навоий каби Авлоний кам ақлга катта аҳамият беради. У уламолардан бири «Ақлнинг қули нафсининг ҷиловини ушла, сани ёмон йўлларга қиришдан сактар» деган деб ўқтиради. Авлонийнинг таъкидлашича, ҳиссиёт бизни алдайди. Фақат ақл орқалигина мавжудликни фаҳмлаш мумкин.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун бадани тарбиялаш зарур. Баданининг соғлом ва қувватли бўлимоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга қучли, қасалсиз вужуд лозимдир. «Ақл-дейди у пири қомили, муришди ягонасида». Рух шилувчи, ақл бошловчидур. Инсон ақли ва идроки соҳасида ўзига келадурғон зарар ва зулмлардан сакланур ер юзидати хайвонларни аср қилиб, бўйнидан бойлаб ипларнинг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур.»

Истиқлол даврида халқ маорифи соҳасида қабул қилинган барча давлат ҳужжатлари ва дастурларда буюк алломаларимиз таъкидлаб ўтган қуйидаги омиллар ўз ифодасини топди:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;
- таълим тизимининг улуғсизлиги ва изчиллиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;

¹⁰ Навоий. Таълиқанг асарлар тўплами.-Т.: Фафур Ёллом номидати адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 2-жид., - 576 б.

- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий кадрятлар устиворлиги;
- ўрта умумий таълимнинг мажбурийлиги; таълим тизимида чет тилларни ўрганиш;

- билимдонлик ва истеъдодли рабатлантириш;

- ўқувчиларнинг майли ва кизиқишларига эътибор бериш;

- Тафаккур ва фикрлашни ривожлантириш.

Маълумки, аклий ва мантикий фикрлаш инсон камолотининг асосий ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад, аввало, меҳнатнинг моҳиятига, мазмунига тегаран нигоҳ ташламоқ, муайян ҳулюса чиқармоқдан иборатдир. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қилса, ўша натижалардан қониқса, роҳатлансагина, меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади.

Мантикий фикрлаш қобилияти киши ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Донуларимиз «Меҳнат—меҳнатнинг тати роҳат», «Бугунги ишни эртага қўйма», «Ишламаган тишламайди» деб бежиз айтмаганлар.

Буюк аллома Баҳовуддин Нақшбандийнинг «Дил ба ёру даст бакор» ҳикмати бугунги кунда ҳам ўз қадрини, қимматини йукотмаган. Киши ўқувчиларни мадрасага қабул қилиш пайтида «Бирор касбнинг борми?»—деб сураб эканлар, хунарсиз киши ўқишга қабул қилинмас экан. ¹¹Унинг фикрича, атар киши хунари бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, борди-ю, касби бўлмаса, билимини кун кечирини сарфлайди, ҳалоқ меҳнатни унутади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнатсиз келган бойлик ҳар қандай кишини, ҳар қандай оилани бўзади, ҳар қандай нарсани қадрсизлантиради.

Меҳнат жараёнида кишиларда дўстлик, биродарлик, жамоа бўлиб ишлаш маданияти, барча тарбиявий сифатлар шаклланади, юрак сиқилишдан, ахлокий бузилишдан сақланади. Меҳнат орқали кишининг порлок сиймоси ўтиб-қизлари, ёри-дўстлари, ҳамкабилари, шотирдари қалбида ҳаминша яшайди.

Ота-боболаримиз бола тарбиясида, унинг баркамол инсон бўлиб етишишида, энг аввало, унинг мантикий фикрлаш

ўратишга, касб-хунарга қизиқишга алоҳида эътибор беришган, фарзандларнинг лаёқати қобилиятига қараб тарбиялаганлар, ўзалари намуна бўлганлар.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар бир инсоннинг айниқса, эндигона ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларига эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз раванк топишининг асосий шартидир». ¹²

Буюк Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари ва ҳозирги кунда давлатимизнинг халқ таълими борасида амалга ошираётган ишларнинг таҳлилга асосланиб қўйидаги фикрларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ота-она, устоз ва мураббий, кенг жамоатчилик мактаб ўқувчиларида меҳнатга ва меҳнат аҳлига тўғри муносабатни шакллантиришдаги мақсуллатини чуқур ҳис қилишлари керак. Ўқувчиларнинг қизиқиши ва имкониятларини ўз вақтида пайқаб уларга маслаҳатлар бериб, туғаракларга жалб қилиш орқали ҳаётга тайёрлаш ниҳоятда муҳимдир.

Юқоридати вазифаларни амалга оширишда ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ўрта мактаблар ўқитувчи ва ўқувчиларининг олдига жуда катта мақсуллатлар юқлатилади. Зеро, ўқитувчи ёш авлодда меҳнатсевар, касб-хунари ва фикрлаш қобилиятини юксак қилиб етиштиришда муҳим роль ўйнайди. Ўқитиш жараёнида эса ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қўникмалари тобора ривожланиб боради. Улар фаннинг аҳамиятини, меҳнат орқасида ҳаёт, яшаш, бахт-саодат туранини англаб ета бошлайдилар. Ўзининг ҳар бир қилаётган ишига онгли муносабатда бўлади.

Буюк алломаларнинг педагогик қарашлари таҳлили натижасида ҳулюса қилиб айтиш мумкинки, ёшлар аклини фикрлаш қобилиятини ўстириш учун биринчи галда вазифа илм олишга даъват этишдир. Ўқувчиларни фан асослари билан қуроллантирмай туриб, уларда илмий дунёқарашни шакллантира олаймиз.

Халқ оғзаки ижоди ўқувчиларда мантикий фикрлаш қўникмаларини шакллантириш, уларни такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Халқимизнинг бой, олтиндай зангилмас оғзаки

¹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси № 1.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 2000.- 767 б.

¹² Каримов И. А. Юксак маданият — энгилмас қўч. — Тошкент: Шарқ, 134 б.

ижодининг тахлили шуни кўрсатдики, у таълим жараёнида ўқувчилар мантикий фикрлашнинг шакллантиришда муҳим манба бўла олади. Халқ оғзаки ижодида унинг донишмандлигини ифодалаган макол ва маталлар алоҳида ўрин тутди. Қадим замонлардан бошлаб халқимиз ахлоқ тушуначасининг негизини меҳнат ташкил этган. Шунинг учун ҳам жуда кўп халқ макаллари, матал ва топишмоқларидан фойдаланиб, ўқувчиларни физика фанига бўлган қизиқишларини “аклий ҳужум” интерактив методи ёрдамида амалга ошириш лозим¹³. 6-синф.1-дарс “Физика нимани ўргатади?” мавзуси дарси.

Олам жуда ҳам сирли,

Ҳодисалар хилма-хил турли.

Шамол эсар, чакнайди чакмоқ,

Физикани ўқисанг очилар жумбук, деб бошланган дарс ўқувчилар кўз олдида турли табиат ҳодисаларини ва уларнинг сабабини тезроқ билиб олишга қизиқиш пайдо бўлади.

Шунингдек, гидростатика бўлимини ўқитишда,

Кўзга кўринмас, кўлга илнимас,

Шусиз ҳеч жойда ҳаёт ҳам бўлмас. (Хаво).

“Архимед кучи” мавзусини тушунтиришда

Сувга солсам ботмайди,

Баликлар ҳам ютмайди. (пўкак).

“Модданинг агрегат ҳолати” мавзусини ўтишда;

Январ бобо новвот сотди,

Олган эдим қўлим котди. (муз).

Кўлсиз оёқсиз тул солади. (дараза кирови).

“Масса бу-инертлик ўлчови” мавзусини ўтишда:

Оз кўйсантиз сол дейди,

Кўп кўйсантиз ол дейди. (тарози).

“Исиклик ўтказувчанлик” мавзусини ўтишда:

Совуқни совуқ саклар,

Исикни исик. (термос).

Ёки ўқувчиларга температура ва уни ўлчаш мавзусини ўтишда:

Шимолли ёйлак бўйлаб,

Сергак ойим юради.

Об-хаво нафасини,
бизга айтиб беради.

Ёки жони борга ўхшар, исикингни ўлча. (термометр).

Шу билан биргаликда фанларро алоқадорлигини мустаҳкамлашда ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда,

“Қучларни кўпиш” мавзусини ўтишда,

Кўп бирикса, тоғ қулар,

“Механик иш” мавзусини ўтишда,

Йер қазмасанг, олтин чиқмас,

қармоқ солмасанг балик.

“Ички энергия” мавзусини ўтишда.

қозон ўтдан, одам ҳаракатдан қизийди.

“Магнит майдон” мавзусини

Бир танада икки қўл, Бир-бирига бермас ёл. (тақасимон магнит).

Таъкидлаш лозимки, таълим жараёнида халқ оғзаки ижоди ва анъаналаридан фойдаланиш муаммоси ҳозирги кунга қадар илмий ва илмий-услубий адабиётда кенг ёритилган. Шу босидан таъкикот жараёнида бизни кўпроқ олимлар томонидан тақдим этилган бу борадаги ҳулоса ва услубий кўрсатмаларнинг таълим жараёнида қўлланиши қизиқтирди.

Қизиқтирган муаммонинг ечимини топиш мақсадида қуйдаги ишлар амалга оширилди. 2004-2012 йилларда нашрдан чиққан 5, 6, 7—синфларнинг математика, физика фанлари бўйича дарсликлар тахлил этилди.

Тахлил шуни кўрсатдики, юқорида кўрсатилган синфларнинг физика дарсликларида буюк алломаларимизнинг физика фанига қўшган ҳиссалари қисман ёритилган аммо халқ оғзаки ижодининг макол, топишмоқ, эртак каби жанрларидан намуналар келтирилмаган. Шу билан биргаликда улар устида ишлаш аниқ ва мақсадли йонатirilган равишда ташкил этилмаган. Диккат марказида кўпроқ уларнинг тарбиявий аҳамияти туради.. қолган дарсликларда эса ҳар бир соҳага доир ва ўқувчининг жиқмоний, аклий, рухий ва мантикий тайёрлагилтига мос келадиган қизикарли материаллар жуда кўп, лекин халқ оғзаки ижодидан олинган ва ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга қўмаклашадиган материал деярли учрамади.

¹³ Ш.О.Тошпулатова. Ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда халқ оғзаки намуналаридан фойдаланиш // Халқ таълими. - Тошкент, 2010. - №5. Б. 57-60

Қисқача тахлилдан кўриниб турибдики, халқнинг бой ва бетакрор ижодидан таълимий восита сифатида фойдаланиш математика ва физика дарсликларида режалаштирилмаган.

Ҳўш, бундай вазият ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатади, уларни пировард мақсад ҳақида ҳулоса чиқаришга замин яратармикан? У шу саволларга асосли жавоб бериш мақсадида 6-7 синф ўқувчилари орасида сўровнома ўтказилди. Сўровнома варақасида қуйилган саволлар берилди:

1. Ўзбек физик олимларидан қимларни биласиз?
2. Физикавий топшмоқлардан айта оласизми?
3. Физик ва математик олимларнинг ҳаёти ива ижоди ҳақида қандай афсоналарни биласиз?
4. Ҳозиржавоб, топкир, билатон бўлиш учун Сизнингча нима қилиш керак?

Сўровномада 120 дан ортиқ ўқувчи қатнашди. Олинган натижалардан келиб чиқиб қуйилган ҳулосага келим. Демак, таълим жараёнида халқ дурдоналарини ўргатиш ва физик олимлар ижоди билан таништириш, шунингдек, улардан таълим воситаси сифатида фойдаланишда ўқувчиларга дунёдаги барча эъгуликлар ва кашфиётлар қалити ақл, мантикий фикрлашда эканлигини таъкидлаш лозим.

Биз бу ерда халқ отзаки ижодидан намуналар, шунингдек, урф-одат ва анъаналардан дарс жараёнида фойдаланса, ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилияти шаклланиб ривожлана бошлайди, деган фикрдан йироқданиз. Лекин, халқ дурдоналаридан келтирилган намуналар ўқитувчи фикрини тасдиқлаш, мантикан асослаш учун муҳим аҳамиятга эгалитга ҳеч қандай шубҳамиз юк.

Юқорида келтирилган фикрлар, шунингдек, ўтказилган суровномалар натижалари асосида қуйилган фикрларни билдириш мақсалга мувофиқ, деб биламиз.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ва тақомиллаштиришда шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқ отзаки ижоди намуналари, унинг анъаналари ва урф-одатлари муҳим манба ва зарур восита вазифасини бажаради. Демак, бу манба ўқув жараёнида ўзининг муносиб ўрнини топиши керак.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш самарадорлиги ошишининг асосий воситаси мактаб-дарс-ўқитувчи ўзвий тизимдир. Мактабнинг асосий вазифаси ўқувчида ақлий тарбия бериш, унга фан асосларини ўргатиш, билим олишга қизиқитириш, ўқитишнинг янги самарали усулларида фойдаланган ҳолда билим беришидир. Бу мураккаб жараён учун ҳамisha масул бўлган шахс ўқитувчидир. У ўзининг ўқувчиларига нисбатан меҳр-оқибатли бўлиши билан ўқувчилар кўз ўнгига намоён бўлиши лозим.

Фикримизча, бутунги қунда мактабларда ишлайдиган ўқитувчилар қуйилган хусусиятларга эга бўлишлари керак:

- Педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий илимларни муқаммал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор маънавий баркамол инсон бўлиш;
- физикага доир билимларни, математик, педагогик билимини, шунингдек, назарий илмларни муқаммал эгаллаш;

- ўқитувчилик касбини ва боғаларни яхши кўрадиган, ҳар бир ўқувчиси улғайиб яхши инсон бўлишга чин кўнгилдан ишониш; ўқувчиларнинг шахсий қамолотига кўмаклашиш;

- эркин ва ижодий фикрлай оладиган талаботан, адолатли, оқилоли бўлиш.

Демак, ўқитувчининг фаолияти ўқувчилар мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда асосий ўрнини эгаллайди. Ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда энг муҳим вазифани ўқитувчи бажаради. Ўқувчилар таълим жараёнида оламни бида бориб, ўзлари учун илгари номатълум бўлган, бирор фан кашф этган ва одамларнинг ижтимоий-тарихий амалиётда текшириб кўрилган янги бир нарсани билиб оладилар. Ўқитиш натижалари билим сифатида ўқувчининг ривожланиш даражасида намоён бўлади. Таълим инсоният таърибисининг маълум томонларини, яъни ўқувчиларни ижтимоий тараккиётнинг хозирги талабларига мувофиқ даражада билимга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир. Бу жараёнда ўқитувчи асосан ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради.

2.4. Мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш йўллари тизими

Умумий ўрта таълим мактаб ўқув дастурларининг тахлилий натижалари шуни кўрсатадики, 6-9-синф ўқувчиларида мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш бир неча боскичда амалга ошириш учун имконият яратилган, жумладан, дарсда ва дарсдан ташқари тадбирларда ўқувчиларда мустақил га йўналтирилган ўқув материалларини тақдим қилиниши белгиланган. Фанлар бўйича ДТС ва дастурлар асосида ўқувчилар ўзлаштиришини аниқлаш усулблари хилма-хил бўлиб, улардан кенг тарқалганлари:

- Оғзаки сўраш;
- Ёзма ишлар ўтказиш;
- Амалий ишларни бажариш;
- Лаборатория машгулотларини бажариш ва бошқалар.

Умумий ўрта таълим мактабларининг физика курсида ўқув материалларида берилган тушунчалар икки хил усулда киритилди:

1. **Конкрет – индуктив метод.** Бунда ўқувчилар аввал ўқитувчининг топириқларини бажарган ҳолда ўрганиётган тушунчанинг умумий хоссаларини аниқлайдилар, сўнгга ўқитувчи раҳбарлигида таърифни мустақил ҳолда тузишга ҳаракат қилдилар. Янги тушунча киритишнинг бу йўли айниқса куйи синфларда ўз самарасини беради. Бундан ташқари

конкрет индуктив йўл орқали тушунчаларни киритиш жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил бўлади, бунинг натижасида ўқувчиларда мустақил қобилиятлари шаклланади. Физикимизнинг далили сифатида 6-синфда тақдорланган “Ҳаракат ва тезлик” тушунчаларининг мантикий метод орқали ўзлаштиришни кўриб ўтайлик.

Бу ғоялар физика дастурларида ҳам ўз аксини топган. Булардан кўринаётгани ўқувчи физика таълимида мантикий фикрлаш кўникмаларига эга бўлиши тақдим қилинаётган ўқув материаллини мукамал ўзлаштиришга замин яратади.

Ўқув материаллари синфлар бўйича кўйидагича режалаштирилган: (Ҳафтасига 2 соатдан, жами 68 соат);

Ўтилганларни тақдорлаш - 12 соат.

Дастурлар тахлили шуни кўрсатадики, физикани ўрганишда ўқувчиларда фикрлар кетма-кетлиги ва боғлиқлиги масаласи

муҳим аҳамият касб этади. Тахлиллардан аниқ бўлидики ДТС ва дастурларда ўқувчиларда мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш талаблари ўз аксини топган. Тадқиқот доирасида аниқ фан туркуми ва умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари, дастурлари тахлил этилди.

Ўқувчиларда мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда бир қатор ижодкор ўқитувчилар ишларини омалаштириш мумкин. Шундай ўқитувчиларнинг ижодий ишларидан фрагментлар келтирамиз. Масалан, Навоий шаҳрининг 11-умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси Жумаев Самар 8-синф физика дарсларида ўқувчиларда мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган турли ижодий топириқлардан фойдаланади. Куйида шундай топириқлардан намуналар келтирамиз:

Ҳайдаб жасад беринг: Юкори кучланишли ток ўтказиш симида кушлар ўтирган эди. Симта ток уланган пайтда кушлар чўчиб учиб кетди. Бунинг сабабини тушутиринг?

Шундай қилиб, физика фанини ўқитиш жараёнида 6-9-синфлар ўқувчиларида турли сифат масалалари орқали мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мумкин. Бунда ўқувчи тақдим қилинаётган топириқлар уларнинг доирасини кенгайтириши, хусусийдан умумийга ва аксинча, умумийдан хусусийлик томон фикр билдиришга ўратилиши, хоссаларнинг ўхшаш томонларини кўрсата олишга йўналтирилган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнини модернизациялаш боскичида ўқувчининг ўзлаштириш фаолиятини бошқариш муҳим педагогик масалалар сирасига қиради.

Бозор муносабатларига асосланган жамиятда яшаш ҳар бир инсондан айниқса, мактаб ёшидаги ўқувчилардан мустақил, мантикий фикрлаш кўникмаларини эгаллашни, кенг тафаккур эгаси бўлишни талаб қилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўқувчиларда мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш учун зарур бўладиган моделлаштириш методлари анча ривож топиб бормоқда. Ўқитиш методларида, худди илмий билиш методларида қараган сингари, ўқитиш воситаларидан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас, чунки воситалар кўп ҳолларда ўқитиш методларининг моддий инфодаловчи ролида келади. Улар кўп ўқитиш методларини

янигилашга, унинг киши хиссий органларига таъсир доирасини кенгайтиришга олиб келади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-9-синфларида физикани ўқитишнинг методлари ва воситаларини бир-бирига боғлиқ ҳолда интеграциялаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларда мантикий кўникмаларини шакллантириш учун:

- *биринчидан*, оптимал педагогик-психологик вазиятларни таъминлашда тақдим қилинаётган материалларнинг педагогик имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим;

- *иккинчидан*, 6-9-синфлар ўқувчиларининг физик тафаккурини ўстириш учун уларда: мантик катгориаларини аниқлашлари, анализ, синтез каби аклий операцияларидан фойдаланишлари, ўқув материаллини идрок қилиш жараёнини интенсивлаштириш зарур. Бу эса ўз навбатида мустақиллигимизни кадрлай оладиган, ўзинини, жамият, давлат ва оила олдидати маъсулиятни аниқлайдиган етук шахсни шакллантириш каби вазифалар билан боғлиқ жараёндир;

- *учинчидан*, кучли таъсирчан ва мустақкам тарбиявий ва таълим тизимини фақатгина фан ўрнатган объектив асослар ва амалиётда тасдиқланган қоидалар ёрдамида ривожлантирилади.

Умумий ўрта таълимнинг физикадан ДТС ўзининг тузиллиши ва мазмунига кўра физика ўқитиш жараёнида ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади, ammo амалдаги дастурлар бўйича тузилган дарсликлар ва ўқув кўланмаларда тақдим қилинаётган топириклар ҳар дом ҳам мантикий кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланмаган. Шу жиҳатдан олганда уларни тадқиқот доирасида тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Мустақил ижодий тафаккурнинг ривожланиши «**мантикий фикрлаш**» тушунчаси таълим жараёнида ҳамда дидактикадаги изланишларни талаб қилади. Бунда нинг қандайдир энг умумий усуллари ҳақида ва аклий фаоллигининг мазмунан умумий алгоритмлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Лекин бу талаб ўқувчиларнинг ўзи олиб борадиган фаол изланишларини ҳамда ечининг эвристик усулларини олишни ҳам назарда тутати. Онгликка интилиш ҳар бир ўқувчи характерининг хусусияти ўқув иши методи билан тарбияланади. Ана шу тақдирдагина аклий фаоллиги билан ҳамбарчас боғланади.

Билишнинг илмийлиги ва тизимлиги педагогик-тарбиявий имкониятлардан фойдаланиш методлари, тақдим қилинаётган ўқув материалли, ўқув дастури ва режаларнинг амалда қўлланилиши, ситуатив йўсиндаги йўналтирилган дидактик топириклар, ишга доир ўйинларни тузишда таъминланади.

Демак, ўқувчиларда мантикий кўникмаларини шакллантиришда дарслик ва ўқув кўланмаларга қўйлаётган замонавий талабларни инобатга олиш, фан ва техника ютуқларидан, уларнинг бунёдкорлик сифатларидан кенг фойдаланиш лозим бўлади. Бунда йўналтирилган топирикларнинг педагогик характерини инкор этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, илмий, илмий-услубий адабиётлар таҳлилдиган маълум бўлишча «*мантикий фикрлаш*» тушунчасига замонавийлик контекстида баҳо бериш зарурити ижтимоий эҳтиёж сифатида намоён бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланлиди.

Тадқиқотлар мобайнида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш кўникмалари қуйидаги мезонлар асосида шакллантирилади:

- Физика дарсларида ўқув материаллини идрок этишда, асосий ва мохиятан бирламчи фикрларни аниқлай олиш;
- анализ, синтез, аналогия, башорат қилишга ўргатиш;
- физик атоматларнинг сабаб ва оқибатини мохиятан баҳолашга қўмақлаш;
- ўқувчиларда илмга чанқоқлик, мустақил ҳаётга тайёрарлик каби хислатларни ўстириш;
- тадқиқотда қатнашган ўқувчи шахсининг интеллектуал даражасини тараққий эттириб, баҳс-мунозара юритиш маданиятини шакллантириш;

Ш-БОБ. УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ФИЗИКА ДАРСЛАРИДА МАНТИКИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

3.1. Дарсга психологик муҳит яратиш орқали Ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш

Маълумки дарс - ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли бўлиб, ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

Бир бор экан бир йўқ экан қадим замонда бир подшо бўлган экан. У подшо уламоларига кўп нараса кўлимдан келади деб мактанар экан. Шунда вазир шохим ундай деманг, баъзи нарасалар борки, уни сиз қила олмайсиз деб насиҳат қиларкан. Барибир подшо ўз сўзида туриб оларкан. Бир кунни подшонинг беш ёшли ўғли набираси бобосини олдиға келиб сув сўрабди. Бобоси сув олдириб келиб набирасига берибди. Набираси сувни ичмайман сут келиринг дебди. Бобоси сут келтиришни буюрибди. Бола сутни ичиб кўриб ичмайман деб хархаша қилибди. Шунда подшо нима қилсам тинчийсан болам дебди. Бола сувни сутта кўшинг дейбди. Подшо ноилож сувға сутни кўшибди. Бола бу сувоқликни ичиб кўриб тўпалон қила бошлабди. Бобо буни ҳам ичмайман, бу сувоқлик бемаза экан дебди. Болам нима қилсам сен тинчийсан дебди подшо. Бола бобо сувдан сутни ажратиб беринг деб илтижо қилибди. Афсуски, сувға аралашиб кетган сутни энди ажратиб бўлмас экан. Ўқитувчи эртақни тутатгач ўқувчилардан булутги мавзунни қим яхши тушуниб олса нета аралашиб кетган сувоқликни ажратиб бўмаслигини тушуниб олишларини ўқтириб янги мавзунни бошлайди.

2. 7-синфда “Жисмларнинг эркин тушиш тезлиниши” мавзусини ўқишдан аввал қўйидаги ривоятни айтиб бериш орқали дарёга психологик муҳит яратиш мумкин.

Қадимда жулда қадрдон икки дўст бўлиб, улар мактабга худди сизларга ўхшаб бирга бориб, уй вазифаларини бирга бажариб, аъло баҳоларга ўқиб мактабни тутатибди. Ақилбек физика факультетига имтиёз асосида ўқишга кирибди. Имконбек эса ўқишга қира олмай ота касби овчилик билан шуғуллана бошлабди. Шу тарика йиллар ўтибди. Ақилбек ўқишни тамомлаб она қишлоғига физика фани ўқитувчиси бўлиб қайтаётган экан бирдан йўлда дўсти Имконбекни кўриб қолибди. Дўсти уни ов қишлоғига таклиф қилибди. Ўрмон қишлоқдан анча узоқда жойлашганлиги сабаби улар ўрмонга боргунга қадар кеч тушиб қолибди. Шунда овчи дўстига қараб : кел дўстим барибир сен ов қила олмайсан яхшиси шу жарликда туриб қопни оғзини очиб тур ўлжа тушиши билан оғзини ёпасан дебди жилмайиб. Бу гапдан Ақилбек бироз ранжиб, ҳамёнидан акселерометрни олиб қопга тушаётган улжанинг эркин тушиш тезлинишини ўлчаб олибди. Унинг қиймати 9.83 га тенг экан. Иккала дўст қопни қийинчилик билан тортиб кетаётган экан,

Имконбек Ақилбекка мактаниб: қара ўрток сенинг келишинг муносабати билан айик овладик шекилли дебди. Шунда Ақилбек дўсти Имконбекка қараб қопдани айик бўлса унинг ранги қанақа эканлигини сўрабди

- Ҳуш ўқувчилар қопдани айикнинг ранги қандай? Шунда синф ўқувчилари орасида қора, оқ, қуланг, қўқ қаби жавоблар бўлади. Ўқитувчи баҳс мунозарани давоми бўлутги мавзудан кейин давом эттириш кераклигини тушутириб, эркин тушиш тезлиниши, Галилей тажрибаси унинг 9.79 m/s^2 , 9.81 m/s^2 , 9.83 m/s^2 қийматларининг географик кенгликка боғлиқлигини айтиб ўтиб янги мавзунни бошлайди.

3. Масалан 9-синфда «Рентген нурлари» мавзусини кўриб ўтайлик.

Немис физиги Вилгелм Конрад Рентген дам олиш кунини яқинлари даврасида ўтказиш учун уйига отланаётган эди. Аммо аввал шогирдларидан бирортаси асбобларни тартибсиз қолдир-мадими, деб лабораторияни синчиклаб қараб чиқиш учун кўрар эди! Афсус қўлимаганда, катъий тартиб тарафдорининг бур-гункидек ўтқир нигоҳи барий бирикмаси сурилган катта картон парасига тушди.

Рентген узун, эгчил қўлини чўзиб картонни олади ва Крукс разряд трубкасига суяб қўяди. Шогирдларидан бири тажриба ўтказётган қурилма қора қоғоздан қилинган флюор билан маҳкам ёпишган эди. Рентгеннинг лабораториясида ҳавоси сўрилган найлардани электр разрядни ўрганилар эди.

Профессор эндигина чиқиб кетаётган эди, юпка қул ранг модала билан қопланган картон нур чикараётганини кўриб қолади. Ҳа, ҳа, хозиргина поддан олдинган картон парчасининг худди ўзи. Профессор яна тартибсизлик сабабини аниқлаш учун лабора-торияни кезиб чиқади.

Бирок, рентген картонни қўлга олиши биланок, нур ўчди. Олим уни яна жойига қўйди. Қул ранг модала яна нурланди. Рентген найдан қозғоғиларини сўтириб олди. Сирли бу нурланиш бўлмаганда, профессор қабадан хушини йўқотиши ҳам мумкин эди, ношуд шогирд эса шундай танбех эшитардики... Ўзингиз ўйланг-а, у асбобни ўчирмасдан кетибди. Найдан кўринар-кўринмас тез алангаси шовқинсиз хилширар эди.

Рентген ҳақиқий олим эди. У газ разряди билан жууда кўп ишлагани учун сирли инжиқ ҳодисанинг янги хосасига дуч келганини дарҳол тушунди. Янги ва ҳали ҳеч ким кашф этмаган хосса.

Профессор картоннинг бошқа томонини ўтирди. Нурланиш қамаймади. У картон билан най орасига қалин китоб қўйди, бунда ҳам ўзгариш йўқ. Бу сирли нурлар, чамаси, тўсиқни сезмади. Қўлига тахта, эбонит олди – бориқ тузлари қопланган қозога уларнинг хира соялари тушди, ҳолос. Ҳажжонланган профессор трубкани кафти билан ёлди. Ана шунда иримчирок одамни даҳшатга келтириш мумкин бўлган воқеа юз берди. Барий экранда кафт суяклари ва терисиз, гўшtsiz бармоқларнинг хира сояси кўринди. Скелетнинг фото сурати!

Рентген чўнтагидан ҳамёнини олди. Экранда ҳамёнининг ичидаги нарсалар-учта танга, қалит ва ҳамёнининг металл кулфининг аниқ тасвири кўринди.

Бу сафар сийраклашган газли най ажойиб бир туфҳа берди. Янги, ҳамма нарсадан ўтқизган, сирли нурлар кашф этилди! Рентген бу нурларни X-нурлар деб атади. Кейинчалик бориб, X-нурларни «рентген нурлари» деб аталадиган бўлди.

110 йил ўтди. Ҳозир олимлар рентген нурлари ёрдамида молекула ва кристаллар тузилишини ўргандилар. Ҳамма нарсадан ўтқизган нурлар одам баданини ва пўлат конструкцияларни ёритиб кўрсатади. Шифокорларга касалликларни аниқлашда, баъзиларда эса даволашга ҳам ёрдам беради. Муҳандисларга қисмлари ажралмайдиган мураккаб конструкциялар ичини кўришга ёрдам беради

Шундан кейин ўқитувчи рентген трубкасининг тузилишини маъруза қилиб беради.

4. 6-синфда “Оптик асбоблар” мавзусини ўқитишда, қўйидаги топишмоқ билан дарсга психологик муҳит яратиш мумкин.

Бир кўз билан тикилиб,

Яратувчи юзимини

Сўнгра оппоқ қозога

Акс эттирди ўзимни.

(Фотоаппарат).

Бувимда бор бир чирок

Ёниб турмайдиган бироқ,
Иш тикар бўлса бувим
Тақиб олади ҳар чок

(Кўзойнак).

Демак билимни етқизлаш мураккаб жараён бўлиб, у инсондан, энг аввало, физиологик жиҳатдан баркамолликни, яъни бешта асосий сези органларининг бут-бутун бўлишини ҳамда билим олиш учун тинимсиз машқ қилишни талаб этади.¹⁴ Ақлий фаолияти жараёнидаги билиш орқали ўқувчиларда илмий дунёқараш асослари шакллана боғлайди. Мантикий фаолият ўқувчиларнинг ўқув-меҳнат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида мақсадли равишда амалга оширилади. Шунинг учун таълим мазмуни фақатгина илмий таъриф ва фактлардан эмас, балки билиш фаолиятини ривожлантирувчи, ўқувчиларда билим олишга қизиқиш уйғотадиган материаллардан, мустақил мантикий фикрдан иборат бўлиши лозим.

3.2. Физика дарсларида сифат масалаларидан фойдаланиш - мантикий фикрлашнинг асоси сифатида

Узоқ йиллар давомида ўрта мактабда ўтказилган илмий - педагогик кузатишлар шуни яққол кўрсатадики, мактаб дарсликлари ва масалалар тўғрисидаги ҳисоблашга оид масалалар 85% ни, сифат масалалар 10-15 % ни ташкил этади. Шундай ҳоллар ўқувчиларни, асосан, ҳисоблашлар билан банд қилиб қўйиб, уларни ақлий фикрлаш, масаланинг асосий моҳиятини тушуниб олишдан чалғитади. Биз бу билан мутлақо математикасиз физиканинг тарafdоримиз, демоқчи эмасмиз. Лекин масалани ечиш жараёнида ўқувчи ўз фаолиятини кўпроқ физик тафаккурта мантикий фикрлашга қаратиши лозим.¹⁵

Сифатий масала деб шундай масалаларни айтқиларки, уларда физик ҳодисанинг сифатий томони билан боғлиқ муаммо берилиб, бу масалани физика қонунарига асосланган мантикий фикрлаш

¹⁴ Ш.О.Тошпулатова. Физикани ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш/ўқув-ўсиш бўлими. Навоий. 27.12.2015.216 бет.

¹⁵ Ш.О.Тошпулатова. Физикадан ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда сифат масалаларидан фойдаланиш/ўқув-ўсиш бўлими. Тошкент. Фин ва технология. 17.12.09. ISBN978-9943-10-258-3. 160бет.

ёрдамида, чизма чизиб ёрдамида, тажриба бажариш ёрдамида, лекин математик амаллар қўлланмасдан ечиш лозим.

Сифатий масалани назарий билимларни текшириш учун саволдан фарқлаш лозим (масалан, ампер деб нимага айтилади, ом конуни қандай қондага эга). Бундан мақсад - ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш; бу саволларга жавоблар тайёр ҳолда китобда бор ва ўқувчи факатгина уларни эслаши лозим. Сифатий масалада шундай савол қўйиладиган-ки, унга жавоб китобда тайёр ҳолда бўлмайди. (мумкин, агар партада ўқувчидек ўтирган бўлсак нега ўрнимиздан шу ҳолатда тура олмаймиз?) ўқувчи бу сифатий масаланинг жавобини масала шартининг берилганларини ва ўзининг физикадан билимларини сентез қилиб бериши керак.

Сифатий масалани ечиш физикани ўқитиш жараёнида назарий ва амалиёт бирлиги ҳақидаги дидактик тамойилни амалга оширишга ёрдам беради. Хусусан, экспериментал масалаларни қўллаш ўқувчиларда физик ускуналар билан ишлашда билим ва кўникмаларни ривожлантиради. Ишлаб-чиқариш мазмунига эга бўлган сифатий масалалар ўқувчиларни техника билан таништиради, уларни дунёқарашини кенгайтиради, уларни амалга таъйёрлайди. Шундай қилиб, сифатий масалаларни ечиш политехник ўқитишнинг энг муҳим усулларидан биридир.

Сифатий масалаларни қўллаш физик назарияларни яхшироқ тушунишга, тўғри физик тасаввурларнинг шаклланишига ёрдам беради ва ўқувчилар билимида назарий қисм шаклланишига тўсқинлик қилмайди. Сифатий масалаларни ечиш ходисаларни таҳлиллаш ва синтезлаш заруратини туғдиради, яъни мантикий фикрлаш, ўқувчиларни аниқ, бадий, техник саводли ва қисқа сузлашга ўргатади.

Сифатий масалаларни ечиш жараёнида кузатиш кўникмаси ва физик ходисаларни нафакат физика хонасида, балки табиатда, рўзгорда, техникада ажратиб билиш хусусиятлари шаклланади. ўқувчиларда тез фикрлаш ва ижодий фантазия ривожланади.

Сифатий масалани ечиш учун ўқувчи физик фикрлаб билиш шарт: жисмлар ҳолатини ва уларда бўлаётган жараёнларни тушуниши ва айтиб билиши; улар ўртадаги боғлиқликни кўрсатиб билиши, физика конуналари асосида ходисанинг кейинги қадмларини кўра билиши.

Шундай қилиб, сифатий масалаларни ечиш ўқитувчида ўқувчиларнинг назарий билимлари чуқурлигини ва ўрганаётган материални тушуналликларини белгилашда ёрдам беради.

Бу масалаларни аҳамияти шундаки ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотилади, дарсда уларни диққатини бир жойга жамлайди, ўқитувчида дарсни жонлантиришга, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга, таъриб бериш усулларини бойитишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, сифатий масалаларни ечиш бу ўқитишни делектаризация (лотинча делектаре-қизиктириш, қувонтириш, ром қилиш) қилиш усулларидан бири.

Сифатий масалаларнинг методик қиймати физиканинг физика формуллари ишлатилмайдиган ва ходисалар факатгина сифатий томондан қараладиган бўлимларида ошди (масалан, инерция конуни, электромагнетизм).

Сифатий масалалар дарсдан ташқари ишларида ҳам катта аҳамиятга эга: физик тўғрақларда қизқарли физика кечаларида мактаб, вилоят ва республика олимпиадаларида ҚВН ва ҳоккзо.

Психология ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг бир муҳим хислатини кўрсатади, бу аниқ-ифодавий фикрлаш. Болаларга аниқ предметларга ишлаб кўриладиган кўргазмалар асосланган тушунчалар абстракция ёрдамида бериладиган тушунчалардан. Ўсимрга дидактик йўлдан кўра индуктив йўл тушунчалардан. конунини киритишда). Болаларга яхши билдиган нарсаларга асосланган сифатий масалалар берилса улар бу масалани микдорий масалаларга қараганда тез ва катта қизиқиш билан ечишади. Шундай қилиб болаларга физикани ўрганишнинг

1- боокичида сифатий масалалар микдорий масалаларга қараганда муҳимроқ.

Содда сифатий масалани ечиш методикасини қараб чиқамиз. Физикада ҳар қандай масалаларни ечишда таҳлил ва синтез бири бири билан узлуқсиз боғлиқ. Шу учун физика хусусан масалани ечишнинг факат битта усули аналитик-синтетик усул ҳақида таъриш мумкин.

1-мисол. Биринчи сувада, кейин кerosинда сузаётган ёғоч брусокга итарувчи кучлар бир хилми?

Ечилиш. Суюқликга ботирилган жисмга таъсир қилаётган итарувчи куч билан чиқариб ташланган суюқлик отгиллигига

(маълум физик қонунига асосланган мантикий шарт). Брусок 2 суоқликда ҳам сузиб юрибди (масалан шартига асосланган мантикий шарт). Чикиб кетган суоқлик ва жисм оғирлигидан бўлса, жисм сузди (маълум физик қонунига асосланган мантикий шарт) икки суоқликда ҳам брусок сузиб юрса, у бир хил микдордати суви чикариб ташлайди демак уларда итарувчи кучлар бир хил бўлади (берилган шартлар асосида олинган ҳулоса).

Шундай қилиб, сифатий саволга жавобни маълум берилган қонун (жисмнинг сузиш шarti ҳақида) ва масала шартини (жисм иккала суоқликда ҳам сузди) синтез қилиб олиш мумкин.

Тажриба тўғри ўтказилганда жавоб тез келиб чиқади ва у нишончили ва кўргазмали экспериментнинг ўзи ҳолдса нега бундай ўтмоқда ўзгача эмаслигини тушунтирмаганлиги учун, уни оғизаки иёбот билан ўтказилади. Бир қатор ҳолатларда ўқувчилар мантикий фикрлаш кўникмаларига эга бўлмаганликлари учун гипотезани олға суриш усулидан фойдаланишади (фикрлаш). Масала ечинининг бу йўлидан воз кечмаслик лозим. Аксинча, ҳар бир тақлиф, ҳар бир физик фикрни ўрганиб чиқиш лозим, ва унинг қўллаб бўлмаслиги ёки тўғри келмаслигини иёбот қилиш керак. Бунда, албатта баҳс-мунозара келиб чиқади, у эса ўз навобатда ўқувчиларнинг физик ва мантикий фикрлаши ривожланишига сабаб бўлади.

2- мисол. Иккала оғи билан полта турган одам қандай қилиб таянчага ўтказаетган босимни тез 2 баробар ошириш мумкин?

Ечим 1. Тахлил. Турган одам ўтказаетган босим унинг оғирлигига тўғри пропорционал ва полта тегиб турган иккала товланлари юзасига текари пропорционал.

(1-шарт). Одам иккита ойинида турибди

(2-шарт). 2 синтез. Полта босимни тез 2 баробар ошириш учун одам ўз оғирлигини 2 баробар ошириш лозим (мумкин штанга кўртариб), ёки таянч юзасини 2 баробар камайтириш лозим (мумкин, бир оғини кўтариб, 2-оғида туриб). Масала шартига ҳеч қандай оғирлик берилмаганлиги учун жавоб тарзида икки усулни қабул қиламиз.

3-мисол. Нимага одам ёзининг жазирама қунида ҳам сувдан чиқаётиб совуқни ҳис қилади?

Ечим 1- Тахлил. Одам танасининг музлаши, тана бир неча микдордаги иссиқликни ё қотгандан келиб чиқади.

(1-мантикий шартлар). Тиришиб чиққан одам танасида сув бор.

(2-мантикий шартлар). Сув парланиб кетганда унинг ички энергияси кўпаяди. Бу энергиянинг қайиши бошқа жисмнинг энергияси қайиши ҳисобига содир бўлиши мумкин.

(3-мантикий шартлар) 2 синтез. Сув парланаётганда теридан одам танаси юзасидан бир неча микдордаги иссиқликни олиб кўяди. Бундан келиб чиқадики, инсон терисининг энергияси қайиши ва унинг совуши кузатилади.

Микдорий савол ечимини 5 босқичда намоиш қилиши мумкин.:


1. Масала шarti билан танилиши (матнни ўқиш чизмани қараб чиқиш, усқунани ўрганиш ва ҳокозо), масала асосий саволни аниқлаб олиш (масала ечимининг якуний мақсади нима).

2. Масала шартини тушиниб етиш (берилган масалани, аңглаш физик ҳодисаларнинг та'рифларини тахлил қилиш, қўшимча аниқлик киритувчи шартларни киритиш).

3. Масала ечимининг режасини тузиш масала шартига мос физик қонун ёки мавзунинг қондаси ва уларни танлаш; масаланинг мантикий шартлари орасида сабаб-келиб чиқиб келувчи боғлиқлиги ўрнатиш.

4. Масалани режа асосида ечиш масала шартининг берилган ва қонун қондаси билан синтез, масала саволига жавоб олиш.

5. Жавобни текшириш (мос физик тажриба қўйиш, масалани бошқа усул билан ечиш, олинган жавобни физиканинг умумий тамойиллари билан таққослаш (энергия, оғирлик, заряд қонунларини, Нютон қонунлари ва ҳокозо. Сифатий саволнинг ечиш методикасининг жадаллини қўйидагидек тасаввур қилиш мумкин. (чизмага қаран).



Мурраккаб сифатий масалаларни ҳам шу беш босқич ёрдамида ечиш мумкин, лекин масала шarti билан танишишда унинг асосий саволига, ечимнинг ақлий максалда диккатни қаратиш лозим. Масалани ечиш режасини тузётганда ақлий ҳудосаларнинг занжири қурилади. Бу занжир масаланинг саволи билан бошланади ва унинг шартини берилишлари ёки физик қатталиклар қондаси ва тарифи билан тамомланади.

4-босқичда ақлий ҳудосаларнинг синтетик занжири тузилади. У физик қатталиклар мос қондалар, жисм ҳолати, ҳоссалари, сифати таърифлари билан бошланиб ва масала саволига жавоб билан тугайди.

Сифатли масала ечишда аналитик-синтетик усулда асосланган қуйидаги 3 усул қўлланилади: эвристик, график ва экспериментал. Улар бир-бирини тўлдириб бириктирилади ҳам мумкин. Эвристик усул ўзаро боғлиқ бир максалда ёналган сифатий саволлар қўйилиши ва ечилишидан иборат. Улардан ҳар бири ўзининг муцақил қийматига ва ечимга эга ва бир вақтда буун масала ечимини элементлир.

Бу усул мантикий фикрлаш, физик ҳодисаларни таҳлил қилиш масала ечимининг режасини тузиш қўникмаларини ҳосил қилади, масала берилишларини боғлашга фактларини умумлаб ҳудоса чикаришга ўртади.

Физикани ўқитиш жараёнида эвристик усулни амалга оширишнинг ўч ҳил шакли бор: - ёрдамчи саволлар шакли-ўқитувчинини бир қатор саволлар

беришга ва ўқувчиларни уларга жавоб беришга ундайди. Бу ўқитишнинг 1-босқичи;

- савол-жавоб шакли эса ўқувчининг ўзи савол бериб, ўзи жавоб беришни белгилайди. Қоида бўйича, ечим ёзма равишда берилади;

- дарак (жавоб) шакли ўқитувчиларнинг ҳаёлан ўз олдидарига қўйган саволларига жавоб бериши. Ечим ўзаро мантикий ва физик боғланган тезислар (гаплар) билан намойиш этилади ва бу гаплар бутун ҳикояни ҳосил қилишади.

Сифатий масалаларнинг ечимининг график усули функция, чизма схема, расм, фоторасм ва ҳоказо. Графикини ўрганиш асосида саволга жавоб беришдан иборат.

